



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 21 июнь, чоршанба

№47 (11.232)

Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА
ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 июнь кун ИДХ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

Саммит кун тартибидан корликни яна жонлантириш борасида фикр алмашди. Шунингдек, музокара-лар якунида айрим ҳужжатлар имзоланиши ҳам кутилмоқда.

Ў.А.

КУТУБХОНА
ҚОШИДА... МАРКАЗ

Бўка тумани маданият ишлари бўлими марказий кутубхонаси қошида «Бўка-2000» хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқий-ахборот маркази иш бошлади. Уни тузишдан мақсад ҳозирги демократик ва иқтисодий ислохотлар даврида янги мулкдорлар синфини шакллантиришга ёрдам кўрсатишдир.

Кредитлар олинаётганда бизнес режани қандай тузиш керак? Марказ хусусий тадбиркорлар, хунарманд, фермер, касаначилар ва бошловчи бизнесменларнинг ана шундай ва бошқа қўллаб-қувватлаш жавоб бериши мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, бу ерда бепул маслаҳатхона ишлаб турибди.

Шу кунларда бу ерга бириктирилган туман солиқ инспекцияси ходимлари Ашраф Усмонов, Марат Султо-

Рустам ХУДОЙҚУЛОВ.

«УМИД-ГУЛШАН» ЧОРЛАЙДИ

Шу кунларда вилоят касаба уюшмаларига қарашли бўлган санаторийлардан ўнга яқини ишлаб турибди. Бундай санаторийларнинг сони яна биттага кўпайди. «Умид-гулшан» соғломлаштириш маскани Қибрай туманида жойлашган.

Янги санаторийда 150та ўрин бўлиб, у ерда гинекологик муолажага эҳтиёжманд аёллар даволаниб, наф кўрмоқдалар.

Келгусида санаторийнинг моддий негизи кенгайиб, даволашнинг илгор усуллари амалиётга татбиқ этилади.

Ақбар АЛИЕВ.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод йиллиги» бағишлаб ўтказган ёш бастакорлар фестивали якунланди.

Музыка соҳасида сермахсул ижод қилаётган истеъдод соҳибларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда ёш бастакорларнинг турли жанрдаги ийгиригига яқин асари ижро этилди.

Услуби, ижрочилик маҳорати ва бадиий савиясига кўра, Тошкент давлат консерваторияси бастакорлик факультетида магистратуранинг биринчи босқичида тахсил олаётган Артём Кимнинг олти лаҳзадан иборат «Пушкин ҳақида латифалар» асари фестивалнинг беш совриниға лойиқ деб топилди.

Артём икки йилдан буён Тошкентда ўтказиб келинаётган халқаро камер музыка

Назкат УСМОНОВА, Ў.А. муҳбири.

БИРИ СЕРҲОСИЛ, БИРИ ЎТ ИЧИДА

ҚИБРАЙ туманидаги «Истиклол» ширкат хўжалиги галлакорлари бу йил 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил кўтариб, жами 820 тонналик хирмон уйишни режалаштиришган.



ЎРИМ-ЙИГИМ ишлари ана шу юксак мажбуриятга яраша ташкил этилган. Мавсум учун тузилган ўрим жадвалига мувофиқ иккита «Енисей» комбайнида кунига ўн гектар майдон ҳосилдан тозаланиб, ўрим-йигим 20 кунда якунланади. Олтига юк автомашинаси ўриб-янчилган донни пешма-пеш ташиб, қабул пунктларига етказиб беради.

Комбайнчиларни, умуман, ўрим-йигим ишлари раҳбарларини қизиқтириш мақсадида иш ҳақи тўлаш ва мукофотлаш шартлари ишлаб чиқилган. Жумладан, комбайнчиларга бир килограмм галла учун 50 тийиндан меҳнат ҳақи ва бир тонна дон ҳисобидан 4 килограммдан бугдой ёки бозор нарҳида унинг қиймати тўланади. Автоулов

ҳайдовчиларига ташилган бир тонна дон учун 80 сўмдан иш ҳақи берилади. Бундан ташқари илгор комбайнчи ва ҳайдовчилар учун алоҳида рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам белгиланган. 420 тоннадан ортқ галла ўриб-янчи берган комбайнчи рангли те-

левизорли бўлади. 400 тоннага етказиб дон янган комбайнчиға эса видеомагнитофон совға қилинади. Биринчи ўринни олган автоулов ҳайдовчисига 30 минг сўм, иккинчи ўринга 20 минг ва учинчи ўрин учун 10 минг сўм пул мукофоти тайинланган.

Бироқ шуниси ҳам борки, агар ўрим-йигим ишлари чўзилиб, бир ойдан ошиб кетса, барча муко-

да бир донга ҳам бегона ўт йўқ. Бунга хўжалик тафтиш гуруҳи раҳбари (суратда чапда) Хайитбой Раҳмедов билан пудратчи оила бошлиғи Ўлмас Азизовнинг ҳосил чўғидан мамнун чехраларидан ҳам билса бўлади. Иккинчисида эса, бугдой бошоғи кўринмайди ҳисоб. Бу пайкалда галлага нисбатан бегона ўт кўп. Ўриб янчилганда арзийдиган дон чиқмаслиғи устига ўтлар комбайнға ўралавериби, ишни орқага тортади. Қизиқ, бу картанинг эгаси ким?



фотлар бекор қилинади. Аслида шундай бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасга ўхшайди. Негаки...

Ушбу суратларға диққат билан назар ташлаган киши гап нимадан эканлигини англаб олади. Биринчи бўлиқ ва тўлиқ бошқорлар белга уради. Галлазор-

Нега вақтида ўтдан тозаланмаган?

Тўғри, бу саволлар энди ўринсиз. Галлага аллақачон ўроқ тушган. Мақсад шуки бу нохуш манзара келаси йил мавсуми учун сабоқ бўлса бас.

Даврон АҲМАД.

МАҲТАЛ БЎЛМАЙДИЛАР

«Тошвилюктранс» концерни жамоаси жорий йилда самарали ишламоқда. Мавжуд автотранспортлардан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг ишга доим шай бўлишини таъминлаш, ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдорлигини ошириш ва бошқа иш ва би янги ишкониятлари сафарбар қилиш ҳисобига юк ташини топириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Натижада даромад ва фойда олиш кўрсаткичлари режада белгиланганидан анча юқори бўлмоқда.

Йилнинг ўтган беш ойи давомида топириққа мувофиқ 675 миллион сўм даромад олиниши зарур эди. Амалда олинган жами даромад ҳажми сал кам 900 миллион сўмни ташкил этди ёки бу 133,3 фоиз қилиб бажарилди. Ўтган йилнинг шу давридаги

«Тошвилюктранс» концерни жамоаси даладарда етиштирилган галла ҳосилини ўз вақтида ташишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу йилги мавсумда концерннинг 670дан ортқк автоулови бунга сафарбар этилади.

га нисбатан эса ўсиш суръати 147,4 фоизни ташкил этди.

Даромад кўп бўлгани учун кўрилган фойда микдори ҳам ортиб бормоқда. Ўтган беш ойда соф фойда 114 миллион сўмга етди. Айни вақтда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш режалари ҳам анча зийда-си билан адо этилди. Рентабеллик эса 18,2 фоизни ташкил этди ва ўтган йилдагидан 1,2 фоиз ортди.

Концерн транспортлари вилоятимизда етиштирилган галла ҳосилини оморларга ташиб беришнинг асосий оғирлигини ўз елқаларида кўтрадилар. Жамоа қимматли бойлиқни нес-нобуд қилмай белги-

билан тақдирланадилар. Вилоятимизда галла ўрим-йигими қизғин бошланиб кетди. Ҳозирги кунларда 150тадан ортқк автомашиналар ишлаб турибди. Уларнинг 40таси тиркамали машиналардир. Умуман, мавсум авжига чиққан пайтда 670тадан ортқк автомашинани сафарбар этиш назарда тутилган. Уларнинг 40таси оғир юкларни ташиниға мўлжалланган, 130таси эса тиркама билан ишлайди.

Галла ташишни пухта уюштириш учун концерн кузурда махсус штаб тузилди. Бу ерда ҳар кунги иш натижалари кўриб чиқилмоқда. Содир бўлган камчиликлар аниқла-ниб, уларни зудлик билан бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Усмон МУҲАМЕДОВ.

ВИЛОЯТ
ҳаётиҲОЗИРДАН ТАДОРИК
КЎРМОҚДАЛАР

ВИЛОЯТИМИЗДА фаолият кўрсатаётган 26та мусика ва 16та санъат мактабларида келгуси йили ўтадиган «Ижрочилик маҳорати» кўрик-танловиға ҳозирданок тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Таниқли бастакор Мухтор Ашрафийға ҳурмат ва эҳтиром тарзида ташкил қили-

наётган мазкур тадбирға шахар ва туманлардаги билим даргоҳларининг голиблари тақлиф қилинадилар. Улар ўзига хос бу имтиҳонда фортепьяно, ўзбек халқ чолғу асбоблари бўйича санъатларини намойиш этадилар. 1999 йили Бухорода бўлиб ўтган республика кўриғида энг кўп совринли ўринни эгаллаган Чирчиқ шаҳридаги 7-санъат мактабиде бу байрамға, айниқса, алоҳида ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўз муҳбиримиз.

ТАДБИРКОРЛАР ЎҚУВИ

«ТУРОН» вилоят кутубхонаси қошида ташкил этилган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи «Чорсу-2000» ахборот-ҳуқуқий марказида «Хусусий тадбиркор: қонунчилик, бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, ижтимоий ҳимоя» мавзисида уч кунлик ўқув машғулотлари якунланди.

Вилоятимизнинг қишлоқ туманларидан келган тадбиркорларға иқтисод фанлари номзодлари Алишер Собиров, Дилдора Тўхта-



оҳунова, «Банк-Инвест-Лойиха» қўшма корхонаси бош мутахассиси Валерий Алексеев, компьютер техникаси мутахассиси Улфат Собировлар сабоқ бердилар.

Нодира ТОҲИРОВА.

БАЛЛИ, МУҲАЙЁ



риш мақсадида ўтказилган педагогик маҳорат кўриғида болалар боғчаларининг моҳир тарбиячилари ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловда вилоятимизнинг Янгйўл туманидаги «Кичкинтой» болалар боғчасининг тарбиячиси Муҳайё Шарофбоева голиблик шохсупасига кўтарилиди. Голиб тарбиячиға биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Али АҚБАРОВ.

КҮН САЙИН ОРТМОҚДА

ЧИРЧИҚДАГИ «Электроник-саноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси кейинги ойларда иш суръатини кескин оширмоқда. Чунки, гўза парвариши учун минерал ўғитга бўлган талаб кучайиб кетди. Биргина ўтган ойда аммиак сепитраси ишлаб чиқариш топириғи 109,9 фоиз қилиб бажарилди. Жорий йилнинг ўтган беш ойида бундай маҳсулотни тайёрлаш суръати 126,5 фоиз ошди. Иккинчи муҳим маҳсулот — кучсиз азот кислотасини миждо-ларға жўнатиш ойлр режаси 160 фоиз қилиб бажарилди ва ўсиш ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 235,4 фоизни ташкил этди.



Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни буюртмачиларға юбориш ҳажми кун сайин ортиб бормоқда.

Шокиржон ТЎҒОНОВ.

БОЛАЛИК МЕХРИ — БЕБАҲО
МЕХР

ОРАДАН бир неча йиллар ўтгач, синфдошларнинг бир-бирларини йўқлашлари вилоятимизда ўзига хос анъана бўлиб қолмоқда. Худди шундай тадбир 28 йилдан сўнг Янгйўл туманидаги Ҳамза номли 44-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Учрашув чоғида собиқ ўқувчилар ўз мураббийларига эҳтиром кўрсатишди. Ҳаётдан кўз юмган муаллимлар хотириланди.

Синфдошлар мулоқот чоғида бир-бирларининг оилалари, фарзандлари, ўз иш фаолиятлари хусусида



сухбатлашдилар. Болалик чоғларини ёдға олдилар. Кечки томон эса кўзлариде севинч ёшлари билан хайрлашар эканлар, яна шундай давраларда тўпала режаларини ҳам белгилаб олдилар. Болаликдаги меҳр чиндан бебаҳо меҳр экан.

Азиза МАМАЗИКРИЯЕВА.

Бўстонликда Ойбек ижоди байрами

ДИЛЛАРДАН, ТИЛЛАРДАН. ЎЧМАЙДИ НОМИ

Кўзингиз тушиши билан беихтиёр Ойбекни эслайсиз.

«Мен Ойбекнинг бардошиман», дейётгандек бўлади тоғлар, «Мен Ойбекнинг юзман», охишта шивирлайди боғлар, «Мен Ойбекнинг тилиман», чулдирайди серсув ирмоқлар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ойбек ижоди байрамига отланган адиблару олимлар автобус Ғазалкентга бурилиши билан суҳбатларини тўхтатиб, яриндор тоғларға тикилишди. Гўё устоз Ойбек бир боғ наъматак тутиб, кутиб олаётгандек эди назаримда. Юрагим тошди-ю, дилимға сатрлар қуюлиб келди:

Она замин бағрида аловон,
Лола қизилдоқлари бордир.

Ва сунчиқ бўлудек половон,
Қадди нордек тоғлари бордир.

Боқсанг магар чўққилар баланд,
Бургут кўнар майғур пурвқор.
Бўлиб кетсан заминға пайванд,
Кўзгалмас бирон куч зихқор.

Уша тоғлар сикласида,
Бир тоғ борки безабон, ўктам,
Даврларинг зикласида,
Чидам билан безавол ўткан.

Қисматлардан этмай шикоят,
Азиз бошинг эзмаган асло.
Сабр-бардош қаттиқ шикоят,
Йилларға тиз чўкмаган асло.

Не чақмоқлар бошидан ўтди,
Не тақдирлар емиромлади.
Ташналарға об-ҳаёт тутди,
Ўш қатра симиролмади.

Яшамоқчи ишор билди у,
Кўзларида порлади ҳаёт.
Халқ ишгани машғал қилди у,
Топди бундан метиндек сабот.

У қанчалар эрур сарбаланд,
Тегралари чаманзор, боқил.
Кўролди беш асриқ йўлдан,
Навоийдек буюк бир тоғил.

Парчаланиб фасма-фасл,
Нуроб борар тоғларинг бари.
Ул тоғ эса ўсар муттасил,
Юксалар вақт ўтгани сари.

Ибрат олгин, азиз ватандош,
Бўлган доим ҳаётға ташна.
Тўкмай кўз ёш, сира эгмай бош,
Ойбек бегап шу тоғдек яша.

Байрам руҳи кезиб юрган Ғазалкентда ўтган йили атоқли адиб Элбекнинг 100 йиллиги катта тантана қилинган эди. Бугун эса мавлоно Ойбекнинг ижод байрами ҳақидаги хушхабар қанот қокди. Маданият саройига ташиф буюрган ёшу қарининг дили карнай-сурнайлар садосидан хушнуд, қўллариде эса болажонлар тақдир этган анвойи гуллар. Ҳаммаинг дилида бир сўз: «Ойбек 95 ёшға чиқибди-я». Лекин ҳеч ким Ойбек ҳаётдан кўз юмган демади. Байрамни

очар экан, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, ёзувчиси уюшмасининг раиси Абдулла Орипов бу тадбир учун Тошкент вилоят ҳокимлиғига миннатдорчилик изҳор этди.

— Биз бу ерда Ойбекнинг байрамиға ийилдик. Бу беҳиз эмас. Бўстонликдай жаннатий дийрда Чимён, Ҳумсон каби гўшалар борки, Ойбек руҳи бу ерларда ўйғок кезиб юрибди. Бу гўшаларда Ойбекнинг босган излари бор. Тоғлардаги ўн икки булоқ Ойбекнинг юрағи мисол ҳозир ҳам қайнаб турпти. Мана шу жойларда унинг хассос қалами ила Пушкиннинг асарлари ўзбекчаға ўғирилган. Бу байрамимиз айни пайтда маънавиятимиз, маърифатимиз, миллий меросимизға бўлган ҳуқур иззат-икромимизнинг белгисидир.

(Давоми 4-бетда).

ВИЛОЯТ
ҳаёти

Қишлоқ ва ислохот

НАВОЙИ номли ширкат ҳужалиги Пскент туманидаги энг йирик ҳўжаликлардан бири. Пахтасининг ўзи 1741 гектар. Одатда ҳўжалик қанча катта бўлса, уни бошқариш, экинларини эплаш шунча қийин кечади. Лекин, Навоийда бунинг акси. Ғўзасининг ривожига тўман бўйича энг олди. Нафақат туман, балки вилоятда ҳам биринчи бўлиб ғўза шу ҳўжаликда гуллади., десак муболага бўлмаса керак. Бунинг сирини сўраганимизда ҳўкимликда бир воқеани гапириб беришди.

ВАЗИЯТ тақозоси билан 1992 йили ҳўжаликка янги раис сайлашга тўғри келди. Шу боис қақирилган умумий йиғилишда кўпни кўрган деҳқонлардан бири Мирзаали Ҳалиловнинг номзодини тилга олди-ю, даврада жоланиш юз берди. Чунки, уни ҳамма танирди. М. Ҳалилов узок йил халқ депутатлари туман кенгаши ижроқўмига раислик қилган.

Аммо номзоднинг ўзи бу йиғилишда йўқ. Йўқ одамни эса, орқадан раис қилиб сайлаб бўлмайди. Ноилоҳ, умумий йиғилишнинг талаби билан номзодни мажлисга тақлиф этишга тўғри келди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ М. Ҳалилов гап нимада эканлигини билган, нима қиларини билмай қолди. Рози бўлса, яна ҳаловати бўзилди. Туман ўрмон ҳўжалиги бошқармаси ишларини хотиржамлик билан бошқариб турибди.

Эрталаб бемалол идора-сига боради. Кечқурун эса барвақт бола-чакаси ёнига қайтади. Шанба-якшанба кўнлари ҳам уйда, ҳеч ким безовта қилмайди. Шуларни бўйлаб, рад жаваб бериш, эл назари-дан қўлиши мумкинлигини ҳам тўшунди. Яъни орийат масаласи бор. Узок йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган киши учун орийатдан кечиб оғир. Бироқ розилик бериш ҳам оғир. Биринчи — маънавий, иккинчиси — жисмоний жиҳатдан. Пенсия ёшидаги одамга, айниқса, иккинчиси малол келади.

Хуллас, у бир қарорга келди: туман раҳбарияти олдикига икмата оғир шартни қўндаланг қўяди. Рози бўлишса, раислиқни бўйича олади. Акси бўлса...

— Шундай катта ҳўжалик аъзоларининг хонадонига ханузгача газ олиб келинмаган, — деди бўлажак раис, — Бу Муроталидек катта қишлоқнинг шаънига ярашмаган катта қамчилик. Уни тузатиш учун маблағдан ёрдам берилса...

Иккинчи шартим. Қайси оилаю ва ким бўлишдан қатъий назар далада ишлаётганларнинг ҳаммаси меҳнат ҳақини иложи борича тўла ва вақтида олиши керак. Ҳар бир оила — алоҳида рўзгор. Рўзгор бўлгандан кейин ҳар кун бўлмаса, ҳафта-ун кунда пул зарур, у-бу нарсаси ҳарид қилишга тўғри келади. Максад — уларнинг узлари ишлаб топётган соф даромаднинг қанча қисмини иш ҳақи ва мукофот тарзида аъзоларга бўлиб бериш ҳамда ҳар ойда қанчадан бўнақ пули бериш иктиври ҳўжаликнинг ўзига берилса...

Номзоднинг ҳар икки шартни ҳам деҳқонларнинг айтин дилидаги гап эди. Шундай қилиб, Мирзаали Ҳалилов раис бўлди-ю, биринчи шартни амалга

ДЕҲҚОННИНГ ҚУЛИ ПУЛ КУРСА...

рини тортиш учун керак бўладиган барча воситалар келтирилиб, монтаж ишлари ҳам охирига етказилди. 1994 йилда Муротали қишлоғи хонадонларида табиий газ ёнди.

Қишлоқ халқининг табияти шунақаси, айтган гапининг урдасидан чиқадиған раҳбарни бошга қўтаради. Навоийликлар иккинчи шартнинг рўёбга чиқишига, яъни бундан буён қўллари пул қўришига қатъий ишониб, астойдил ишга киришдилар. Ўшадан бери ордан саккиз йил ўтди. Бирор йил йўқки, ҳўжалик пахта ва ғалла режасини бажармаган бўлсин. Тўғри, 94-йили узлуиш юз берди. Бироқ бу «кўпга келган тўй» эди. Эслайлик, ўша йили Аллоҳ деҳқонларнинг қузини бермади. Октябрдаёқ қалин қор ёғди, у эриб улғурмай яна. Нафақат пахта, балки республика тарихида биринчи марта бўлса керак, гектар-гектар майдондаги кечки картошка ҳам қор остида қолиб кетиб, нобуд бўлди.

Лекин ўша йили ҳўжаликда биринчи теримдаёқ режа 83 фоизга етганди. Иккинчи терим ҳали бошланмаганди. Ҳатто, юз гектардан зиёд майдонда биринчи терим ўтказилмаганди. Агар...

Янги раис олдида энди иккинчи шартни рўёбга чиқариш йўллариини излаб топаш вазифаси турарди. Қишлоқ ҳўжалигини бошқариш-у, деҳқончилик агро-техникаси масаласида кўп йиллик тажрибага эга бўлган Мирзаали Ҳалилов ҳўжаликда оила пудрати усулини бутун иқир-чиқирлари билан тўла жорий этишга киришди. Деҳқонларни қизиқтиришнинг энг маъқул ва таъсирчан йўли шу эканлигини амалда кўрган эди. Биринчидан, ҳар бир оиланинг ери алоҳида. Қилидаган иши тайин. Иккинчидан, ўз ерида, айтايлик, қанча пахта етиштирса, уни қайси навага топширса, ундан келадиған даромадини ўзига тегишли қисмига ўзи эга

бўлади. Яъни илгаригидек, умумлаштириш бўлмайди. Бугунги кунга келиб, жамоа ҳўжалиги ширкатга айлантирилган, пудратчиларнинг ўз меҳнатлари пировард натижасидан тўла баҳраманд бўлиши таъминланди. Чунки, ширкат усулининг муҳим шартларидан бири пудратчиларни алоҳида чек дафтарчаси билан таъминлаш. Ҳар бир пудратчининг ғўзага ишлов бериш билан боғлиқ барча сарф-харажатлари ана шу чеклар орқали ҳўжаликнинг молия-ҳисоб марказига

ўзи топширган пахтасидан чиқадиған ёғ, шрот ва чигит қобиғининг 70 фоизини ўзи олади. Анча арзон нарҳда. Масалан, пахта ёғи 264 сўмдан берилди. Саккиз юз килограммгача ёғ оладиган пудратчилар бор. Лекин, бу ёғнинг қамиди учдан икки қисми оиланинг эҳтиёжидан ортиб қолади. Ҳўш, пудратчи уни нима қилади? Бунинг ҳам йўли топилган. Раиснинг ташаббуси билан пудратчилар ортиқча ёғларини қишлоқ марказидаги дўконга 350 сўмдан топширадилар. Қарабсизки, пудратчи ҳам, дўкончи ҳам қўшимча даромадди бўлади. Иккинчи томондан эса, ҳўжаликда ишламайдиган, аммо Муротали қишлоғида ишгаётган аҳоли ҳам ёғдан қўнғалмайди.

Айтганча, шрот — 5 сўм, чигит қобиғи — 3 сўм. Буни бозор нархи билан солиштириб кўринг-а. Нақд 6-7 баровар арзон. Ана шу фарқдан ҳосил бўладиган миқдор ҳам пудратчининг даромадига қўшилади. Иқтисодий тартиб-қоида шундай.

Биз ҳўжалик даласини айланганимизда, анча йилдан буён унут бўлиб кетган бир манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ўз еридаги ғўзасига иккинчи суви тараётган пудратчилар ўқариқларнинг бошига гўнгни уюм-уюм қилиб қўйишиб, эринмай, эгатларга окизшяпти. Ҳозирги шароитда фақат сабзавоткоргина шундай қилиши мумкин. Чунки, самарасини кўради. Пахтакор ҳам шундай қилаётган экан, демак, у ҳам албатта манфаатдор. Акс ҳолда машаққат чекиб, далага гўн ташимаса, соатлаб тик оёқда туриб, сувга тинимсиз кетмонлаб гўн оқизмасди. Шу алпозда у эртасида (балки вилоятда ҳам) энг оқори ҳақ. Йолдан эса янада оширилади — ойига 3000 сўм.

— Бошида шартлашганимизга қарамай, танбех берувчилар топилиб туради, — дейди раис. — «Бундай қилмасангиз бўларди, ҳар хил гап-сўзлар тугилиши мумкин» дейишди. Қизик, ҳисоб рақамимизда миллион сўмлаб маблағимиз турганидан кейин берамиз-да. Қолаверса, бу ахир узларининг пуллари. Улар қизиқиб, яхши ишлаётганлари учун йилга 2,5-3 миллион сўм соф фойда ҳисоб рақамимизга тушиб турипти. Иккинчидан, ҳар ойда тўланаётган иш ҳақи чек дафтарчаси орқали молия-ҳисоб марказида қайд этиб борилади ва йил якунида сарф-харажатларга қўшилиб, пудратчиларнинг умумий даромадларидан чегириб ташланади. Бошқача қилиб айтганда, пудратчи йил охирида яхлит қилиб оладиган меҳнат ҳақининг бир қисмини ёз давомида олиб туради, рўзгорини тебратди. Бунинг нимаси ёмон ахир? Аксинча, деҳқоннинг қўли пул қўриб турса, ёпишиб-тиришиб ишлайди-ку.

Ҳа, муроталилик деҳқонлар ёпишиб, тиришиб, ишлайпти. Бунинг яна бир сабаби бор. Раиснинг айтишича, ҳар бир пудратчи

Абдусамад Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

АРАБЛАР ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДА

Миср Араб Республикасида араб талабалари учун ўзбек тили дарслигининг биринчи қисми чоп этилди. Дарслик муаллифи мисрлик олим, шарқ тиллари ва адабиёти бўйича етук мутахассис, профессор, ватандошимиз Насрулло Мубашшир ат-Тарозийдир.

Китоб муқаддимасида туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг вужудга келиши тарихи, асосий ривожланиш босқичлари акс эттирилган.

— Дарсликни тайёрлашдан мақсад нафақат тилни ўргатиш, балки Ўзбекистонни яқиндан танитиш ҳамдир. Шу боис, дарсликнинг «Ўзбекистон Республикаси» бўлимида Ватанимизнинг жуғрофий жойлиниши,

унинг маъмурий бўлиниши, табиий бойликлари, мамлакат халқлари, диний эътиқоди ҳақида маълумотлар берилган, — деди Н.М. ат-Тарозий.

Ўзбек тили дарслигининг илк бор араб талабалари учун чоп этилиши, шубҳасиз, араб давлатларида ўзбек тили мутахассисларини тайёрлашда муҳим қадамдир. Айни пайтда мазкур дарслик асосида ал-Азҳар университетиде 105 талаба ўзбек тилини ўрганмоқда. Келгусида эса ўзбек тили Мисрнинг бошқа университетлари ўқув дастурларига алоҳида фан сифатида киритилиши режалаштирилмоқда.

Б. ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА, Қоҳира шаҳри.

ҲАҚ ИЧИГА БОРАЙДИК...

Бугунги кунда ҳамюртларимизнинг тинч-осойишта умргузаронлик қилишлари ҳамда буюк бунёдкорлик ишларини амалга оширишлари учун уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёмон кўзлардан, ҳар хил тажовузлардан асраш Ички ишлар ҳодимлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Бу борада айниқса, вилоят Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбариятининг жойларда ўтказилаётган маданий-маънавий тадбирлари диққатга сазовор.

Вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида ўтказилаётган «Миллий мафкура — келажак пойдевори» «Диний экстремизм, ақидапарастликнинг инсон онига салбий таъсири ва аянчли оқибатлари», «Шеърларимда, қўшиқларимда — Ватан туйғуси» сингари мавзулардаги маърифат дарслари ҳамда бевосита мулоқотлар, бастакорлар, ҳофизлар, шоир ва ёзувчилар, сиёсатдонлар, шарҳловчилар иштирок этаётган бундай тадбирларнинг аҳамияти ҳақида ҳар қанча сўз юритсак арзийди.

Шуниси қувончлики, оддий кишилар вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳодимлари ўтказиётган бундай тадбирларда баҳону-дил қатнашмоқдалар. Уларни қўллаб-қувватламоқдалар. Одамлар тинчлик ва хотиржамликларини қўриқловчи эл посбонларига ишонмоқдалар. Улар Ички ишлар ҳодимлари билан умумий тил топишга, улар билан биргаликда ҳамкорлик қилишга ўрганмоқдалар.

Куни кеча Ангрэн шаҳри ва Бекобод туманидаги «Далварзин», «Бекобод» жамоа ҳўжаликларида бўлиб ўтган учрашулар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шу кунги учрашуви иштирокчилари — вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Меҳмонхўжа Соҳибов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қўлабдуллаев, истеъдодли шоир, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ходими Сирожиiddин Сайиди ва вилоят ИИБ қошида ташкил этилган «Гўзал Турон» гуруҳи санъаткорлари бекободликлар хизматига қамарбаста бўлишди.

Айниқса, «Бекобод» жамоа ҳўжалигининг олис қишлоқларида ўтказилган учрашув йиғинлардан қалбиде узок вақтгача акс садо бериб турса, ажаб эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу учрашув ИИБ шахсий таркибининг сай-харақатлари туфайли мана шу қишлоқда қурилаётган 350 ўринли 36-ўрта мактаб қурилиш майдонида бўлиб ўтганлиги ҳам таҳсинга сазовор. Янги мактаб биносининг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётди. Мактаб биносини янги ўқув йилига ишга тушириш, унинг атрофини ободонлаштириш ҳамда мактабни ўқув анжумлари билан таъминлаш ишлари ҳам режалаштириб қўйилган.

Шу кунги Бекобод туманида шоирларимизнинг

янги шеърлари, ҳофизларимизнинг куй-қўшиқлари ярим кун адоғига янграб турди. Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида қадриятларимизни тиклаш, келажак авлодни буюк юртимизга ҳурмат руҳида гарбиялаш, уларни халқимизнинг муносиб ворислари бўлиб воғга егиштишларида вилоят Ички ишлар бош-

Маънавият соатлари

қармаси шахсий таркибининг ҳам ўзига хос улуши борлиги бизни ҳам қувонтиради, албатта.

Вилоятимиз бўйлаб давом этаётган бундай учрашулар, маърифат ва маънавият дарслари халқимиз нақадар маънавиятга чанқоқ эканлигини яна бир бор кўрсатди. Ўйлаймизки, бундай мулоқотлар, бундай учрашулар яхши анъанага айланиб қолади.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.
СУРАТЛАРДА: Ангрэн шаҳар ва Бекобод туманидаги учрашулардан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



ҲИММАТЛИ «ЛАЗЗАТ»

Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш хиссдорлик жамияти жамоаси Соғлом авлод йилида болалар ташкилотларига ғамхўрлик қўрсатишда ҳаммасларига намуна бўлмоқдалар. Жамоа шаҳардаги 12-ўрта мактаб, 7-болалар боғчасини тўла таъмирдан чиқаришда бегараз ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, корхона боғчани озик-ов-

қат, турли зарур ашёлар билан мунтазам равишда таъминлаб турибди. Унинг ташаббуси билан мактабда ҳам, боғчада ҳам Янгийўлдаги хаваскорлик жамоалари ўз санъатлари билан болаларни хурсанд қилиб келмоқда. Корхона бу ишни ёз бўйи давом эттиришни режалаштирган.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

РЕСПУБЛИКАДА ГОЛИБ

Анатолий Довга Чирчикдаги 2-автотранспорт корхонасида оддий ишчи бўлиб меҳнат қилади. Чилангарлиқни пухта эгаллаган бу транспортчининг иккинчи касби ҳам бор. У техника ижодкорлиги билан мунтазам шуғулланади. Доим изланишда бўлиб, ишлаб чиқаришнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Моҳир чилангар қатор иxtирочилик тақлифлари муаллифи ҳисобланади. Уларни амалга ошириш корхонага анчагина маблағни тежаб қолиш имконини берапти. Янгилик ижодкори республика «Ўзавтотранс» корпорацияси рационализатор ва иxtирочилари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган қўрик-танловда голиблар сафиде бўлмоқда. Кейинги икки йилда эса у йилнинг энг яхши рационализатори деб топил-япти. Куни-кеча А. Довга яна бир бор 15 минг сўмлик биринчи даражали пул мукофоти билан тақдирланди.

Ҳамид СОБИРОВ.

Пскент туман Давлат солиқ инспекцияси маълум қилади

Туман Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи бўлиб рўйхатдан ўтган «Сатилит» И.И.Ч. фирмасини Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 25.05.2000 йил 302-сонли ажрими асосида банкрот деб эътироф этиш муносабати билан 2000 йил 21 июнь соат 10.00да туман Давлат солиқ инспекцияси биносиде кредиторлар йиғилиши ўтказилади.

Пскент тумани Давлат солиқ инспекцияси маъмурияти.

ЭКСПОРТ ҲАҚМИ ОРТАДИ

«Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида 3 миллиард ва 300 минг рақамлари тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Бунинг боиси бор. Бозор иқтисоди шароитларида залворли одимлар билан олға бораётган корхона жамоаси жорий йилда юксак меҳнат марраларини қўзғалмоқда. Бу йил ҳаммаси бўлиб 3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. Айни вақтда уни чет элларга экспорт қилишда ҳам анча юқори кўрсаткичларга эришиш назарда тутилмоқда. Унинг ҳақми ҳам деганде 300 минг АҚШ доллари миқдориде бўлишини таъминлаш мақсад қилиб қўйилган.

Корхона ишчи-хизматчилари шу юксак ва масъулиятли мажбуриятнинг устидан қиқш учун зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Хом ашё таъминотидаги ижобий сижишлар ҳам бунга ёрдам бермоқда. Йил бошида корхонага 152,3 минг АҚШ доллари қўйилди. Бу, албатта, эҳтиёжлагидан анча кам. Лекин маълум муддат давомиде бир маромда ишлаш учун етади. Маҳсулотларни

экспорт қилиш кўпайиши билан хом ашёни келтириш ҳам ортиб бораверадиди. Бирлашмага Россиянинг Кемерово вилоятидаги «Кузбассэлемент» корхонаси билан иқтисодий муносабатларни қайта тиклаш жуда қўл келмоқда. Қўшни мамлакатдаги бу корхона жамоаси «Ўзбекрезинотехника» бирлашмаси ишлаб чиқаришида катта роль ўйнай эди. Кейинги йилларда сўсайиб кетган ҳамкорлиқни яна йўлга

Ҳамкорлик робиталари

ларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳал этидилар. «Кузбассэлемент» ўзининг дастлабки буюртмаси учун бирлашмага ҳисобига 289,5 минг АҚШ доллари миқдориде маблағ ўтказиладиган бўлди. Ҳориждан миқдорларни қидириш ҳамон давом этмоқда. Яқинда Курск

авлод электр станцияси билан иқтисодий алоқаларни ўрнатишга келишиб олинди. Бунинг учун станция корхонага катта миқдорда буюртма бериши ва икки ўртада битим имзоланади.

Бирлашман иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадаларига сарф қилиш учун бу ил

давлатдан 295 миллион сўмлик қисқа муддатли қарз ҳам олинди. Унинг белгиланган фоизи вақт-вақтга тўлаб бориляпти. Бу маблағ хом ашё тақчиллиги олдини олиш, иш ҳақининг вақтида берилишини таъминлаш ва бошқа шу каби муҳим ишларга сарфланмоқда.

Бирлашмада ишчи-хизматчиларнинг бўш вақт-

қаларда доим мукофотли ўринларни эгалламоқдалар. Айни вақтда корхона Ангрэнда ташкил этилаётган аксарият спорт беллашуларига ҳамийлик қилиб, баҳоли қудрат маблағ ажратаяпти.

Куни кеча қўшни Қирғизистон давлатига унинг буюртмаси билан тайёрланган турли хил резинотехника буюмлари жўнатилади. Транспорт воситаларига 12 минг долларлик маҳсулот ортлади ва у қўшни давлат томон йўл олади.

Бирлашма жамоаси ислохотларни қўқурлаштириш чараенида бозор иқтисодиети шароитларига тобора тўлароқ мослашмоқда. Бу тамойилнинг давом этиши жамоа меҳнати натижасининг янада салмоқли бўлишига хизмат қилади.

Мунаввара РАЖАББОВ
КИЗИ.

ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

МУСТАҚИЛЛИК туфайли қишлоқ ижтимоий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар рўй бераётганлиги ҳамма-мизга аён. Айниқса, «Ер тўғрисида»ги ва «Дехқон-фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонуналикнинг қабул қилиниши қишлоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ҳаётда изчиллик билан тадбиқ этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Қўриб, билиб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳамма ерда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди. Шунингдек, меҳнатни ташкил этишнинг ширкат, оилавий пудрат усуллари тобора кенг жорий этиляпти. Бу ердан самарали фойдаланиш, демаски, маҳсулот этиштиришни кўпайтириш имкониятини бераётир.

Лекин вилоятдаги аҳолининг 60 фоизи қишлоқда истиқомат қилаётганлиги, уларнинг асосий қисми қишлоқ ишлаб чиқариши билан банд эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, рўй бераётган ўзгариш, эриштирилган кўрсаткич ва натижалар ҳали бизни тўла қаноатлантирмайди, албатта. Бошқача қилиб айтганда бўлсак, қишлоқ аҳолисининг маълум бир қисмигина йил-ўн икки ой бево-сита ишлаб чиқариш билан шуғулланса, маълум бир қисми мавсумий ишлардагина қатнашади, қолган вақтларда бекор бўлади.

Бу ҳолат кишини ўйлашга ва мушоада қилишга ундайди. Дарвоқе, бу муаммонинг илдири нимага бориб тақалади?

Тахлиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги соҳасида этиштирилган маҳсулотлар, уларни ўз вақтида, янгилигида йиғиб олиш, ҳарид қилиш, сотиш жараёнлари, бизнингча, ҳар жиҳатдан мукамал эмас.

Авалло шуни айтиш керакки, биз ҳусусий демократик давлат қурагимиз, деймиз-у, айрим ҳолларда ўз ҳуқуқларимизни, ҳукумати-миз томонидан қабул қилинган қарорлар-у, қонуналикнинг асл моҳиятини яхши билмаймиз.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Дехқон катта ва машаққатли меҳнат қилиб, этиштирилган маҳсулотига

бўлаётган сарф-харажатлар билан ёнишли-мойлаш, минерал ўғитлар, турли хил хизмат кўрсатишларнинг нархи ўртасида нега мутаносиблик йўқ? Бу кўп ҳолларда маҳсулот таннархининг қимматла-риш кетишига олиб келмап-тимиз? Ваҳоланки, дехқон этиштирилган маҳсулотни ҳарид қилиш нархлари айтар-ли қиммат эмас! Лекин қайта ишланб, сотиладиган тайёр маҳсулотларнинг нархи ба-ланд. Бу дехқонни ўйланти-ради, ташвишга солади. Де-моқчиманки, дехқон ўзи этиштирган маҳсулотнинг пи-ровард натижасидан ҳам кўнглидагидек манфаатдор бўлиши зарур, албатта. Бу-нинг учун нималарга эътибор бериш керак? Қандай ташки-лий-хўжалиқ тадбирларни амалга ошириш керак? Қан-дай қилсак, дехқоннинг ман-фаатдорлиги ортиб боради?

Бизнингча, энг аввало дехқон этиштирган маҳсулотини янги бозор талаблари дара-жасида сотишни ташкил этишга кўмаклашиш муҳим-дир. Афсуски, бу масалага ҳамон эскича ёндашиб кел-моқдамиз. Буни икки хил ҳолатда кўриш мумкин.

Аслида дехқон шартнома-ни бажаргандан кейин ўз та-сарруфиди қолдирган маҳсу-лотини хоҳлаган жойига олиб бориб сотишга ҳақлидир. Лекин, афсуски, дехқон бу имкониятдан ҳамма вақт ҳам оқилона фойдалана олмайди. Бундай олиб қараганда, унинг вақти ҳам тизиз. Даладаги

иши бошидан ошиб ётади. Шунинг учун бозорга олиб келган маҳсулотнинг йўли-ни пойлаб турадиган сохта «тадбиркорларга» кўтарасига сотиб кетишга мажбур бўла-ди. Бунинг сабаблари ҳам бор. Дехқон ҳалигача ўзининг ҳақиқий ҳаридорига эга эмас. У этиштирадиган маҳсулотини кимга сотишни олдиндан аниқ била олмайд. Чунки, буни қафолатлаб берадиган, шартномавий асосга эга бўла-диган ҳужжат йўқ унда.

Бизнингча бу масалани ҳал этиш мумкин.

Авалло, шаҳар ва туман ҳокимликларида тегишли хиз-мат кўрсатиш тармоқлари ўз

Иқтисодчи мулоҳазалари

ишларига янгича ёндашиш-лари талаб этилади. Дейлик, дехқон эҳтиёжидан маҳсулот ортиб қолди, у сарсон-сар-гардон бўлиб юрмаслиги ке-рак, бу маҳсулотни янгилиги-да зудлик билан қабул қилиб оладиган, ташкилий-техник хизмат кўрсатадиган тармоқ-лар бўлиши лозим.

Бундай тармоқлар ҳар бир бозор ҳузурида фаолият кўрсатса, мақсадга мувофиқ иш бўлади. Ана шунда дехқон хотиржам бўлади. Бу — биринчиси. Иккинчидан эса, бозорларда дехқоннинг йўли-га тузук кўйдиган «учар»лар ҳам ўз-ўзидан четга чиқиб қолаверадилар. Бозор маъму-рияти бу масалани ҳал этиш-га астойдил кириша бўлади-ку. Унинг тасарруфидидаги ишчи-хизматчилар анчагина.

Суриштирсангиз, уларнинг аниқ бир иш қилаётганлик-лари ҳақида тасаввурга эга бўлолмайсиз. Кўплари у ерда, бу ерда бўлиб, гўёки бозордаги олди-соттиларни жўя-жўяга қўйиб юргандек бўладилар. Ҳўш, ана шу бо-зордаги ишчи қулчларни маъ-лум бир мақсадга нима учун

йўналтириш мумкин эмас?! Агар уларнинг боши бир ерга қовуштирилса, дехқон келти-радиган маҳсулотни ташкилий тарзда қўриб, келишилган нархда қабул қилиб олиб, савдо хизмати кўрсатишни амалга оширса бўлади-ку. Бундан ҳам дехқон, ҳам бо-зор маъмурияти манфаат кўради. Энг муҳими ҳар хил беҳуда қимматларга, ҳатто, айтиш мумкинки, кўнгилсиз-ликларга ҳам чек қўйилади.

Албатта, маҳсулотини ўзи сотиш истагида бўлган дехқонларга ҳеч қандай мўъе-лик қилинмаслигини ҳам қа-фолатлаш керак бўлади.

Эркинлаштириш айни пай-тада қишлоқ қиёфасини йил сайин ўзгариб боришида ҳам ўз ифодасини топаётганлиги-ни мамнурият билан айтиб ўтмоғимиз шарт. Дарвоқе, қишлоқда кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнесни ри-вожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Қуриладиган қўшма қорхоналарга ҳорижий сармоядорларнинг қўшаётган улушлари ортиб бормоқда.

Бугунги кунда вилоятда ўтган йилдагидан 11та қўшма қорхона фаолият юрита бош-лади. Булар яли ишлаб чи-қараётган маҳсулот салмоғи ортиб бораёпти. Жуда кўп қўшма қорхоналар ҳориждан янги технологиялар олиб ке-либ, уларни ўрнатиб, фойда-ланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириб, сифатини бозор андозалари даражасига ет-казиш имкониятига эга бўлмоқ-далар.

Бироқ, вилоятдаги барча қўшма қорхоналар фаолияти аҳолининг талаб ва эҳтиёж-лари даражасида, деб бўлмайди. Мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлай-диган қорхоналар сони жуда оз. Ваҳоланки, бундай қор-хоналарни ташкил этиш бу-гуннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Айниқса, қиш-лоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўл этиштириладиган,

мева-сабзавот кўп бўлган бу йилги шароитда уларни қай-та ишлайдиган қорхоналар-ни зудлик билан ташкил этиш давр талабидир. Бу вазифа, яна қайта таъкид-лаш мумкинки, дехқонга ҳам, қорхона ташкил этиш истагида бўлган тадбиркор-га ҳам чинакамига эркинлик берилишини тақозо этади.

Афсуски, расмийлик, тўрачилик, эскича тафаккур ва бошқариш усулларида ҳамон тўла воз кечиш мум-кин бўлмаётганлиги бу со-ҳадаги режаларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган-лиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳол раҳбар билан ишчи хо-димлар ўртасидаги муноса-батларда аққол кўзга таш-ланади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи-ганда унинг фаолияти, ишчи-нинг амалий натижасига қараб баҳолайди, деб беҳиз айтмайди. Шунинг мамну-рият билан айтиш керакки, кенг жамоатчилик онгида бугунги кунда бепарволик, лоқайдлик ўрнини раҳбар шахс қандай мезонларга эга бўлиши ҳақидаги аниқ фикр-мулоҳазалар эгаллаб бормоқда. Халқимиз раҳбар-га нисбатан алоҳида талаб кўзи билан қараётганлиги, уларнинг онгида, дунёқараш-ида туб ўзгаришлар бўлаётганлигидан далолат-дир. Бу ҳол, албатта, вақти-соати келиб дехқоннинг ҳам, меҳнатқашнинг ҳам ўз иш фаолияти самарадорли-гини оширишга ёрдам бе-ради.

Дарвоқе, фуқароларнинг сиёсий фаолиятсиз эркин-лаштиришни тўла тасаввур этиб бўлмайди. Қишлоқ ижтимоий ҳаётининг ўзгариб бориши мамлакатимизда белгиланган ҳуқуқий, эркин, демократик, қули фуқаро-лик жамиятини қўриш вази-фаларини амалга ошириш-га хизмат қилади.

Олимжон НУРМАТОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиш
академияси
тингловчиси.

Ўзги таътил манзиллари

«МЕҲРЖОН» БАҒРИДА ЯЙРАМОҚДАЛАР

Мақтаб ўқувчиларининг ёзи дам олиш таътиллари бошланиб, оромгоҳлар ба-ғри ўғил-қизларнинг беғу-бор қулғулари билан тўлди. Хусусан, «Тошкент денгизи» соҳилида жойлашган «Меҳржон» болалар сыхат-гоҳи ва оромгоҳи бағри бугунги кунда республика-мизнинг турли ҳудудлари-дан келган дам олувчилар билан гавжум. Оромгоҳ ба-ғрида шу кунларда 300 на-фардан зиёд ўғил-қизлар дам олишмоқда. Уларнинг 20 нафари табиати носо-лом Орол бўйидан келган болалардир.

Болаларнинг оромгоҳи

«Денгиз қироличаси» деб номланган спорт мусобақа-ри болаларга кўтаринки кай-фият бағишламоқда. Оромгоҳнинг ўз боғи бор. Бу боғда пишиб етилган сар-хил мевалардан кичкинтойлар мазза қилиб баҳраманд бўлмоқдалар.

Бу йил Соғлом авлод йили деб аталганлиги боис ҳам дам олувчилар учун ҳар йилгидан ўзгача шарт-шаро-итлар яратишга ҳаракат қил-дик, — дейди оромгоҳ бош шифокори Хосият опа Тур-ғунбоева. — Болаларимиз до-имо шифокорларимиз назо-ратида. Орол бўйидан келган болалар эса дам олиш мобай-

нида саломатликларини ҳам тиклаб оладилар. Аҳил жамоанинг 3 нафар тиббиёт ходими, 12 нафар меҳрибон тарбиячиси ту-нукун кичкинтойлар қошида парвона. Олтин ёз эса соз ўтмоқда. «Меҳржон» бағри-да яйраб дам олаётган кич-кинтойларнинг қувончи бун-га гувоҳдир.

Абдуқодир
ЭГАМҚУЛОВ,
Ўртачирчи тумани.
СУРАТЛАРДА: «Меҳр-жон» бағридаги шодон бо-лажонлар.

Муаллиф олган
суратлар.



мирикчиб хордиқ чиқариш-лари учун барча шарт-шаро-итлар яратилган. 6 маҳал иссиқ овқат, 3 маҳалдан фитобарда-ги шербат ичимликлари билан таъминланган болалар табиат-нинг сўлим қўйнида ёз гаш-тини суришмоқда.

Соё-салқин жойларда ўқувчилар иштирокида тур-ли қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда. Айниқса «Қув-ноқлар даврасида», «Денгиз шоҳи», «Ўзбекистон ва Ко-рақалпоғистон кунлари»,



ДУНЁ АСР

бўсағасида воқеалар мамлакатлар одамлар

ҚИСҚА САТРАЛАРДА

- 20-24 июнь кунлари Ямайка ташқи ишлар вазири Пол Робертсоннинг Россияга расмий ташрифи бўлиб ўтади. Унда томонлар сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳаларга оид қатор масалаларни муҳокама этади.
- Япония Бош вазири Иосиро Мори Шимолий ва Жанубий Корея раҳбарларининг Пхенян учрашувига қабул қилинган қўшма декларация-сини тарихий ҳужжат, деб баҳолади. Унинг айтишича, декларация Корея яримирости давлатларининг бирлашишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.
- Ракета ҳужумига қарши мудофиа тизимларини тақомиллаштирмас-лик бўйича 1972 йилда қабул қилинган шартноманинг барча бандлари қучини сақлаб қолдиш лозим, деди Ирландия ташқи ишлар вазири Брайан Коуэн. У мамлакат парламентида сўзга чиқиб, АҚШ ва Россия ушбу масала юзасидан ҳамон музоқара ўтказаяётганини айтиди ва бундай мулоқотлар шартнома қучининг пасайишига олиб келмаслигига умид билдирди.
- АҚШ президенти Билл Клинтон Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот билан учрашди. Томонлар яқин шарқда тинчлик ўрнатиш, Исроил билан Фаластин ўртасидаги қарама-қаршиликлари тинч йўл билан ҳал қилиш, хусусан, Исроил ҳарбийларининг Йордан дарёси-гарбий қирғоғидан чиқарилиши ва мустакил Фаластин давлатига асос солиш билан боғлиқ қўлпала масалалар юзасидан фикр алмашди. Е. Арафот Исроилни тинчлик музоқараларини оқсатаяётганлиқда айблади.
- Чеченистондаги жангариларнинг асосий қисми яқин икки ой ичда йўқ қилинади. Россия қурулғи қулаб ботиб штаби раҳбарининг бирин-чи ўринбосари Валерий Манихов журналистларга шундай деди. Шунинг-дек, у ўлкада барқарорлиқни тиклаш учун икки йил керак бўлишини айтиди.
- АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи гивёхандлик моддалари савдоси билан шуғулланаётган йирик жиноий тўдани фош қилди. Бу борада ўтказилган операция натижасида юз элликдан ортиқ шахс ҳиб-са олинди, шунингдек, ўттиз киллограммдан ортиқ героин мусодара этилди.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

Вашингтонда АҚШ Давлат де-партаменти ташкил этган Марка-зий Осиёда терроризмга қарши кураш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуман ишда Ўзбекистон, Қо-зғистон, Тожикистон, Туркменис-тон, Қирғизистон, шунингдек Россия, Испания, Миср делега-циялари иштирок этидилар. Унинг иштини Буюк Британия, Туркия де-легациялари ва Европа хавфсиз-лик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби Ян Кубиш қузатдилар.

Ийғилганларни терроризмга қарши курашиш масалалари бўй-ича АҚШ маъмуриятининг мувофиқ-лаштирувчиси Майкл Шихан қут-лади.

Сўзга чиққанларнинг маъруза-ларида Марказий Осиёда терро-ристлик ва экстремистик гуруҳлар-нинг фаолияти сезиларли даражада фаоллашгани таъкидланди. Билди-

рилган фикрлар АҚШ Давлат де-партаментининг халқаро терро-ризм фаолиятининг маркази Яқин Шарқдан Жанубий ва Мар-казий Осиё минтақаларига қўчаётгани тўғрисидаги ҳисоб-тига мос келди.

Мутахассислар фикрича, минтақадаги террористик фао-лиятнинг қучайиши сабаблари-дан бири — бу давом этаётган афғон муаммоси ҳамда мамла-катда наркотик моддаларнинг ноқонуний транзити, қурул контрабандаси ва трансмилий жиноятчиликнинг базаси бўлиб қолганлиги. Делегация вакил-лари террор ва зўравонлик ҳа-ракатларининг олдини олиш-да олиб бориладиган тажриба-лари билан алмашдилар.

Б. МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА,
Вашингтон.

XX асрнинг сўнгги юлдузлари

Кироличанинг
учинчи муҳаббати

«Ўнта негр боласи» номли бадий фильмининг кўрганимиз? Сирли суратда ажал сиртоғига иллинадиган ўнта одамнинг қилмишларини кўриб, воқеанинг ривожланиши давомида гоҳ юрагимиз увишиб, гоҳ муаллиф маҳоратига қойил қолиб, томоша қилгансиз, албатта. «Соф инглизча қотиллик» фильмининг эсланг. Ана шу фильмлар Агата Кристининг романлари асосида суратга олинган.

Агата Кристи ҳақида бир олам гап-сўзлар юради. Ўзининг та-жриби бўйича «асарларининг сю-жети идиш-товолқларни ювиб тур-ганида тугилладиган», «Саргу-заштлар қироличаси» деб донд қозонган, жуда узоқ умр кўрган (1890-1976), баракали ижод қил-ган Агата хонимнинг ҳаёти ҳам саргузашт бўлган. Бугун унинг учинчи муҳаббати ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

1910 йилнинг илик март кун-ларида Искандария портида «Ге-лиополис» парохиддан икки ин-глиз аёли тушди. Уларнинг бири катта ёшда, иккинчиси эса гўяда мактатти, ўн тўққиз ёшда эди. Каттаси Клара Мил-лер, қизалоқ эса унинг фарзан-ди Агата эди. Ўша пайтда Агата хоним адабий оламда шухрат қозонишни ҳаёлига ҳам келтир-масди. У яхши, ўзига тўқ йигит-га турмушга чиқшини ўйларди. Миср унинг бу ниятларини амал-га оширадиган маскандек тую-ларди. Сабаби бу ерда инглиз-ларнинг жуда катта жамоаси яшар ва меҳнат қиларди. Айни шу ерда бой, келажаги порлоқ, амал пиллапоярларидан дадил кўтариладиган амалдорлар серо-б эди. Буни Агата хоним ўзининг «Таржимаи хол»ида батафсил ёзган.

Ҳар кун кечқурун ишдан кейин бўладиган хушхушқав дав-рлар, ракс оқшомлари, голф ўйинлари, от миниб кўнгили очишлар Агата хоним жон-дили бўлиб қолди. Ҳам-ташвишсиз бундай яшаш унинг мудоааси эди. Шу сабабли ҳам онаси Лук-сорга бориш ҳақида айтганида, у уйлаб ўтирмай рад этди. Ле-кин Миср эҳромларини, Луксор,

Карнакдаги осори-атикаларни йиғирма йил кечикиб кўргани-ни Агата афсусланиб ёзган эди. Агата Мисрда йиғирмадан ортиқ таниш-билиш орттирди, улар орасидан ўзига аҳойиб эр ҳам топди. 1912 йилнинг октябрида у йигирма уч ёшли харбий учувчи Арчибалд Кри-сти билан учрашди. 22 ёшли Агата хоним муҳаббатига у ҳам гўяда меҳрибонлик билан жавоб берди. Оранд икки йил ўтган, биринчи жаҳон уруши бошланди. Худди шу дамда улар турмуш қурдилар. Арчи-балд эса фронтга, Европача жунади. Агата госпиталларда ишлади. Бўш қолганда ҳикоя-лар ёза бошлади. Лекин бу ҳикояларнинг ҳеч ким босишни истамасди. Агата бундан зарра-ча хафа бўлмади. Нихоят у ўзининг «Стайлздаги сирли воқеа» номли илк китобини ёзиб тугатди. У 1920 йилда Америкада босилиб чқиди, 1921 йилда Англияда дунё юзини кўрди. Ҳамма ёш ади-банинг маҳоратига қойил қол-ди. Илк муваффақиятдан ил-ҳомланган Агата ҳикоялар, қис-салар, романлар ёзишга жон-жаҳди билан киришди.

1926 йил унинг ҳаётида сир-доши, маслаҳатгўйи онаси ҳаётдан кўз юмди. Эри Арчи-балд ташлаб кетди. Бу икки суянаган тоғининг ҳижрони ади-бани ақлдан оздираёзди. Дўстлари унга бирон ёкка кетишни маслаҳат беришди. Агата Яқин Шарққа жўнашга қарор қилди.

1928 йилнинг қузида Лон-дон-Истамбул йўналиши бўй-



ча қатнайдиган, «Шарқий экс-пресс» деб ном олган поездга би-ялет олди. Истамбулдан Су-риянинг Алеппо портига бора-диган поездга ўтирди. У ердан Дамашққа етиб қолди. Сўнгра Байрутга кириб борди. Шовк-ин-суронли оломонлари, гав-жум бозорлари, дилбар чехра-лари билан Шарқ Агата Кри-стини ўзига батамом мафтун этди. Унга, айниқса, бепеён саҳ-ролар ниҳоятда қаттиқ экан эди. «Бу ердаги сукунатни бир қурсангиз эди, бундан ортиқ менга нима керак?» деб ёзган эди у ўзининг «Таржимаи хол»и-да.

Бағдодга адиба автобусда йўл олди. У ерда жанубга боришни маслаҳат беришди. Шундай қилиб, Агата шумерларнинг қадимги Ур шаҳри харобалари-га келиб қолди. Бу ерда олиб борилаётган қазих ишлари унга ниҳоятда ёқиб қолди. 1930 йилда яна бир марта келди. Бу сафар у ўзининг иккинчи му-ҳаббати Макс Меллоуэрни то-пди. Аёлнинг ҳуснига, меҳрибон-лигига мафтун бўлган Макс муҳаббат изор қилганида, Ага-та дастлаб хафа бўлди. Сабаби археолог йигит ундан ўн тўрт

ёш кичкина эди. Лекин ўйлаб-ўйлаб, рози бўлди. Ҳатто, бу ҳақда Швейцарияда бир журнал «Архе-олог» хотин бўлсанг мазза, ҳатто ундан ўн тўрт ёш катталаринг ҳам билинмайди», деб ҳажж ҳам қилган эди. Агата Макс билан турмуш қур-ди. Икковлон буюқ адиба ҳаётдан кўз юмгунча — 1976 йилгача аҳил, иноқ, қувноқ яшадилар.

Иккинчи турмуш Агата бата-мом ўзгартириб юборди. 30-йил-ларда Макс хар йили кишда Сури-яга қазих ишларида қатнашиш учун келарди. Агата ҳам ҳаммаша унинг ёнида бўларди. Унга экспедиция ишларига ёрдам берадир, бўш қолди дегунча ижодий ишларини давом эттирарди. 1933 йилда Макс Агата ва қизи Розалинда билан Яна Мисрда келди. Ана шунда улар Нил бўйлаб Асвонгача сафар қилдилар. Бу сафар адиба Мисрнинг барча тарихий жойларини синчиклаб кўздан кечирди.

Иккинчи жаҳон уруши Макс Меллоуэнинг қазилма ишларига ҳалакат берди. Фақат 1950 йилда-гина у Ироқдаги шумерлар шаҳри бўлган Нимрудга келди. Бу пайтда Макс ҳам ниҳоятда таниқли қадим-шунос эди. Агата бўлса ҳаммаша-гидек ёнида бўларди.

Агата Кристи ўзининг барча ро-манларини гарчи тўқиб қилмасда, улар бўлиб ўтадиган жойни, қаҳра-монларни ҳаётдан оларди. Шунинг учун ҳам кўпчилик асарлари акса-рият Шарқда бўлиб ўтарди. «Нил-даги ҳалокат», «Оҳир оқибат ажал таширф буюради» романлари Мис-рда бўлган саёхатлардан кейин дунёга келган. «Месопатамиядаги қотиллик», «Улар Бағдодга келиш-гани», «Ўлим билан учрашув» ро-манлари эса Ироқ сафарлари таас-суротлари асосида ёзилган. Шу-нингдек, «Қандай яшаётганимни менга айт», ва ниҳоят «Шарқий тезорар» романлари ҳам Шарқ ма-ҳсулларидир. Охири икки роман Лондондан Истамбулга қилинган сафарнинг меваларидир.

Буюқ адибанинг тадқиқотчиси Жанет Морганнинг айтишича, Шарқ Агата Кристининг учинчи муҳабба-ти эди. «Одий, олижаноб, юраги муҳаббат билан тўлиб-тошган араб-лар буюқ меҳмондўстлик ва ҳур-сандчиликнинг соҳиблари сифати-да менинг юрагимда абадий қол-ди, — деб ёзган эди Агата ўзининг «Таржимаи хол»ида. — Дунёнинг бу қисмини қанчалик сезишганини бил-сангиз эди? Мен Шарқни ҳаммаша севаман».

Агата Кристининг ёзган асарла-ри унинг бу фикрларини мангу тасдиқлаб туради.

Темир йўлдошев.

КИМНИНГ ПУЛИ КҮП?

«Форбс» журнали ба-давлат кишилар рўйхати-ни эълон қилди. Тўрт юз етмиш кишининг номи кайд этилган бу рўйхатда биринчи ўринни ҳамон «Майкрософт» корпора-цияси раҳбари Билл Гейтс эгаллаб турибди. Хабар-ларга қараганда, унинг мол-давлати олти миш мил-лиард АҚШ долларини миқ-дорига баҳоламоқда.

Иккинчи ўринда АҚШ-нинг «Оракл» корпораця-си раиси Лоуренс Элли-сон турибди. Унинг бой-лиги қирк етти миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Умуман олганда, дастлабки ўнликни АҚШ тадбиркорлари эгаллаган.

ДИНИЙ ИХТИЛОФ ТУФАЙЛИ

Нигериядаги энг йирик штатлардан бири бўлган Канони христиан динига эътиқод қилувчи аҳоли оммавий равишда тарқ эта бошлади. Бунга маҳаллий ҳокимиятнинг штатда ша-рият қонуналирини жорий қилаётгани сабаб бўлмоқ-да. Христианлар бунга қар-шилик билдириб, янги тар-тиб икки дин вакиллари ўртасида низолар бошла-ниб кетишига сабаб бўли-ши мумкинлигини таъкид-лаётир.

МАРКАЗИ ОКЕАН ТУБИДА

Чилида кучли зилзила рўй берди. Унинг қучи Рих-тер ўлчови бўйича 5,6 бал-ла етган. Мутахассислар зилзила маркази мамлакат пойтахтидан ўз километр нарида, Тинч океани қарёида бўлганини тахмин қилмоқда. Табиий офат та-лофатлари ҳақида ҳозир-ча

